

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТАХРИРИЯТ ХАЙЪАТИ:

Бош муҳаррир:

проф. **Набиев Д.Х.**

Бош муҳаррир ўринбосари

доц. **Холмирзаев Н.С.**

Масъул котиб

ф.ф.д. **Жумаев Т.Ж.**

Тахририят хайъати аъзолари:

проф. Баҳриддинова Б.М.

проф. Бўриев О.Б.

проф. Ёзиев Л.Ё.

проф. Жабборова А.М.

ф.-м.ф.д. Имомов А.

проф. Кучбоев А.Э.

проф. Менглиев Б.Р.

т.ф.д. Мўминова Г.

проф. Нормуродов М.Т.

проф. Нурманов С.Э.

проф. Очилов А.О.

ф.ф.д. Тожиева Г.Н.

проф. Тўраев Д.Т.

проф. Умрзоков Б.Б.

проф. Хайриддинов Б.Х.

ф.-м.ф.д. Холмуродов А.Э.

проф. Чориев А.Ч.

проф. Чориев С.А.

проф. Шодиев Р.Д.

ф.ф.д. Шодмонов Н.Н.

проф. Эркаев А.П.

ф.ф.д. Эрназарова Г.Х.

проф. Эшов Б.Ж.

проф. Эшқобилов Ю.Х.

проф. Қурбонов Ш.Қ.

проф. Қўйлиев Б.

проф. Ҳакимов Н.Ҳ.

к.ф.д. Камолов Л.С.

доц. Орипова Н.Х.

доц. Рўзиев Б.Х.

доц. Эшқораева Н.

доц. Қурбонов П.Қ.

доц. Ҳамраева Ё.Н.

**Журнал 2009 йилда
ташқил этилган**

Манзилимиз:

180003, Қарши, Кўчабоғ, 17.

Қарши давлат университети,

Бош бино.

Тел.: (97) 385-33-73, (99) 056-33-14,

web-sayt: xabarlar.qarshidu.uz

E-mail: qarduxj@umail.uz

Telegram: t.me/Qardu_xabarlari

**2022
3/2(52)**

ҚАРДУ ХАБАРЛАРИ

Илмий-назарий, услубий журнал

**Ижтимоий-гуманитар
фанлар**

Муассис: Қарши давлат университети

Журнал Қашқадарё вилояти

Матбуот ва ахборот бошқармаси

томонидан 17.09.2010 йилда

№ 14–061 рақамли гувоҳнома

билан қайта рўйхатдан ўтган.

Мусаххихлар:

З.Раҳматова

М.Набиева

З.Кенжаева

Ж.Буранова

Б.Турсунбоев

Саҳифаловчи

Я.Жумаев

Навбатчи

Т.Жумаев

Техник муҳаррир

М.Раҳматов

Журнал Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий
аттестация комиссияси Раёсатининг
қарорлари билан **физика-математика,
кимё, биология, тарих, фалсафа,
сиёсатшунослик, филология ва
педагогика** фанлари бўйича докторлик
диссертациялари асосий илмий
натижаларини чоп этиш тавсия этилган
илмий нашрлар рўйхатига киритилган

**Йилига 6 марта
чоп этилади**

Адрес редакция:

180003, Қарши, Кучабағ, 17.

Қаршинский госуниверситет,

Главный корпус.

Тел.: (97) 385-33-73, (99) 056-33-14,

web-sayt: xabarlar.qarshidu.uz

E-mail: qarduxj@umail.uz

Telegram: t.me/Qardu_xabarlari

МУНДАРИЖА

ТАРИХ

- Рашидов О.Р.** Ўрта Осиёни миллий-худудий чегаралаш атрофида ғоявий-мафкуравий тортишувлар.....
- Саидов Б.Ж.** Ўзбек маҳалласи миллий-тарихий институт сифатида.....
- Раупов Х.Р.** Ўзбекистонда уран конлари: тарихи ва бугуни.....
- Очилова Х.** Қарши воҳасида аёл ҳомиладорлиги давридаги расм-русумлар (XIX аср охири – XXI асрнинг бошлари).....
- Раҳмонқулова О.** Ўзбекистон хотин-қизларининг жамият сиёсий ҳаётидаги иштироки (Жанубий вилоятлар мисолида).....
- Ҳамраева Н.Ш.** Абулғозийнинг “Шажараи турк” асарида Хива хонлигини қўшни давлатлар билан алоқаларининг тавсифи.....
- Ҳасанова Х.Ё.** Туркистонликлардан хорижда техника соҳасида малакали мутахассислар тайёрлаш тарихидан (1917-1924 йиллар).....
- Нарманов Ф.** XX асрнинг 20-30 йиллари таълимида Ўзбекистонда тарих фани масаласига доир.....
- Тўраева М.Х.** XX асрнинг 20-30-йилларида Ўзбекистонда кутубхоналар фаолияти (Жанубий худудлар мисолида).....

ФАЛСАФА

- Боратов Э.** Адолат – маънавий категорияси.....
- Қобилов У.М.** Терроризмнинг келиб чиқиши ва салбий оқибатлари.....
- Мўминова З. О.** Тафаккурнинг физиологик ва рухий-манавий хоссалари.....
- Асатуллоев И. А.** Ғарб фалсафасида қалб тўғрисидаги фалсафий фикрларнинг ривожланиши.....
- Жуманиязова М. Р.** Хотин-қизлар саломатлигининг илмий ва валеологик омиллари..
- Назаров Р. Н.** Ижтимоий тармоқларнинг ёшлар маънавий қиёфасига таъсири.....
- Искандаров Н. Ш.** Саломатлик ва жисмоний етуклик феноменларининг ижтимоий-эстетик жиҳатлари.....
- Соатов Ғ.** Динийлик ва оммавий психология.....
- Худайназаров А.Ў.** Ёшларни ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаоллигини юксалтириш: ёшлар бандлиги.....
- Джурақулов Ҳ. А.** Шахс экологик ҳуқуқий онги феномени ва унинг экологик туризм ривожигади конструктив аҳамияти.....
- Ахмедова Д.** Ёшлар ижтимоий қиёфасига ахборотнинг таъсири.....
- Зоҳиров Р.Т.** Оила институти ва унинг этногенетик асослари (илмий концептуал масалалари).....

СИЁСАТШУНОСЛИК

- Авазов С. Э.** Ўзбекистонда меҳнат миграцияси: сабаб ва оқибатлари.....
- Абдуназаров С.И.** Ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштиришнинг маънавий-ахлоқий омиллари.....
- Сауров Р.Р.** Давлатнинг халқчиллик тамойили ва бошқарув тизимлари.....
- Саидназаров У.А.** Шахсда жисмоний маданиятни шакллантиришнинг маънавий-рухий ва психодиагностик масалалари.....
- Раҳмонова М.Х.** Япон боғдорчилик санъатининг ўзига хос хусусиятлари.....
- Лутфуллаев А.А.** Тарбия маънавий таҳдидлардан ҳимоялаш омилдир.....
- Баратов Р. Ў.** Малакали кадрлар тайёрлашда миллат руҳияти ва этномаданият уйғунлиги.....
- Аминов Н.** Постмодерн жамиятда ёшлар дунёқарашидаги ўзгаришлар.....

ФИЛОЛОГИЯ

- Юлдошева Н.Э.** Синтактик сатҳда омонимия ва амфиболия ҳодисаси хусусида.....
- Йўлдашева Х.Қ.** Тилшуносликда ижтимоий дейкиснинг ўрганилиши масаласи.....
- Жумаев Т.** Лексик сатҳни бинар аспектда ўрганиш тарихидан.....
- Даниева М. Ж.** Сўз бирикмалари компонентлари орасидаги грамматик муносабатлар
- Рахmatova Z.H., Bobozaripova M.E.** Fe'l-atvor leksemalari tezaurusi.....
- Махмудова Ф.М.** Саид Аҳмад ҳажвияларида қўлланган айрим ёрдамчи сўзларнинг ифода имкониятлари эволюцияси.....
- Жумаева К.Т., Жумаева К.Т.** “Девони Мирзо” асарининг айрим фонетик хусусиятлари ҳақида.....
- Жураев Н.Д.** Мақолларда миллий психологиянинг намоён бўлиши.....
- Cho'liyeva N.A., Sharipova G.Q.** Nazar Eshonqul qissalarida o'zbek va jahon xalq og'zaki ijodidagi urush va xiyonatni qoralash motivlarining g'oyaviy mushtarak jihatlarini.....
- Mo'minova S.** “Tarixi Rashidiy” asarida Bobur shaxsiyati haqida.....
- Қаххорова Ш. А.** Алишер Навоий лирикасида фоний лирик қаҳрамон талқини.....
- Жовлиев Ж.О.** “Мирзо Улуғбек” трагедияси қўлғезмаларининг матний-қиёсий тадқиқи.....
- Norbaboyeva M.T.** Oliver Twist va shum bola obrazlari qiyosiy tahlili.....
- Бозоров О.Ч.** Эпистоляр роман генезиси ва тараққиёти.....
- Акрамов Ш.Х.** Портрет – муаллиф ижодий ниятини ифодалаш воситаси.....
- Abdullayeva U.** Ijroviy lirika namunalarida folklor sintezi.....
- Тошпулатова Д. Б.** Психологик тасвир ва муаллиф “мен”и уйғунлиги.....
- Жумаев Р. Н.** Тамсил, тимсол ва ирфоний маъно.....
- Мирзаева К.Т.** Внутриязыковые и экстралингвистические признаки слов.....
- Пардаева Д.** История и развитие использования поэтики мифа в творчестве узбекских писателей.....
- Хамраева Ё.Н.** Системность лексики и идеографические словари.....

ЎРТА ОСИЁНИ МИЛЛИЙ-ХУДУДИЙ ЧЕГАРАЛАШ АТРОФИДА ҒОЯВИЙ-МАФКУРАВИЙ ТОРТИШУВЛАР

Рашидов О.Р. (БухДУ)

Аннотация. Мазкур мақола Ўрта Осиёни миллий-худудий чегаралаш атрофида ғоявий-мафкуравий тортишувлар масалаларига бағишланган. Туркистонни миллий-худудий чегаралаш масаласи ўртага ташлангач, ерли аҳолининг болшевикларга турли муаммолар юзасидан эътирозлари ёритилган. Миллий зиёлилар ва кадрлар томонидан Туркистон ўлкасини яхлитлигини сақлаб қолишга бўлган уринишлари таҳлил қилинган. Шунингдек, миллий-худудий чегараланиш ўтказилиши жараёнида юзага келган худуд талашувлар, этник низолар масаласига эътибор қаратилган.

Таянч сўзлар: *миллий-худудий чегараланиш, миллий тил, сиёсий кураш, Марказ, болшевик, мафкура, ғоя, миллатчилик, шовинизм, коммунист, партия, дастур, совет, миллий зиёлилар.*

Аннотация. Данная статья посвящена идеологическим вопросам национально-территориального размежевания в Средней Азии. Освещены возражения местного населения болшевикам после постановки вопроса национально территориальному размежеванию по различным вопросам. Проанализированы попытки национальной интеллигенции и кадров по сохранению целостности Туркестанского края. Также обращается внимание вопросам территориальных споров, этническим конфликтам возникших в процессе проведения национально-территориального размежевания.

Ключевые слова: *национально-территориальное размежевание, национальный язык, политическая борьба, Центр, болшевик, идеология, идея, национализм, шовинизм, коммунист, партия, программа, совет, национальная интеллигенция.*

Annotation. This article is devoted to the ideological issues of national-territorial demarcation in Central Asia. The objections of the local population to the Bolsheviks after raising the issue of national territorial demarcation on various issues are highlighted. The attempts of the national intelligentsia and personnel to preserve the integrity of the Turkestan region are analyzed. Attention is also drawn to the issues of territorial disputes, ethnic conflicts that arose in the process of carrying out the national-territorial delimitation.

Key words: *national-territorial division, national language, political struggle, Center, Bolshevik, ideology, idea, nationalism, chauvinism, communist, party, program, council, national intelligentsia.*

Туркистон ўлкасини миллий тил белгисига қараб, совет республикаларига бўлиш режаси Турккомиссия раиси Я.Э.Рудзутак (1887-1938) томонидан илгари сурилган эди. Сўнгра ушбу ғоя болшевиклар етакчиси В.И. Ленин томонидан маъқулланган. Болшевиклар томонидан илгари сурилган минтақани миллий республикаларга бўлиш ғоясида келажакда содир бўладиган можароларнинг олдини олиш, эскидан давом этиб келаятган миллий ва қабилавий низоларни ҳал этиш, маҳаллий халқлар ҳаётидаги тенгсизликни тугатиш эканлиги таъкидланган.

Туркистонни миллий-худудий чегаралаш масаласи ўртага ташлангач, ерли аҳолининг болшевикларга турли муаммолар юзасидан эътирозлари бошланган. Мазкур эътирозлар зиёлилар томонидан даврий матбуотда эълон қилинган. Бу каби эътирозларга Марказдан келган ҳамда маҳаллий коммунистлар ўзларининг муносабатларини билдирганлар. 1920 йилнинг январида бўлиб ўтган РКП(б)нинг 3-ўлка мусулмон конференциясида Турар Рисқулов ўзининг маърузаси билан чиқиб, Туркистон аҳолисини миллий жиҳатдан ўзбек, туркман, тожик, қирғиз ва шунга ўхшаган миллатларга ажратиш – бу сунъий ажратишдир деб таъкидлади [1]. У Туркистон Коммунистик партияси Марказий Комитети Ўлка мусулмон бюросини бошқарар экан, маҳаллий меҳнаткашлар орасида партия ишларини уюштириш, зиёлиларни ҳукумат ишларига жалб қилиш, маҳаллий кадрлар тайёрлаш ишларида жонбозлик кўрсатган эди. Т.Рисқуловнинг минтақа яхлитлигини сақлаб қолишга қилган хатти-ҳаракати болшевиклар учун кечирилмас иш бўлди. Болшевиклар наздидаги жиддий хатоларидан бири миллатчилик руҳида бўлган “Мустақил Турк Республикаси” тузиш ғоясининг кўтариб чиқиши бўлди. Совет даври адабиётларида қайт этилишича унинг бу фикрлари партиянинг миллий сиёсатига қарама-қарши эди. 1920 йил май ойида Т.Рисқулов болшевиклар доҳийси В.И.Ленин қабулида бўлади. Шундан сўнг унинг сиёсий онгини “ўстиришда” ёки “қайта тарбиялашда” Тошкентдаги болшевик мафкурачилар Ш.З.Элиава, М.В.Фрунзе, В.В.Куйбишев, Я.Э.Рудзутак, Ф.Голошечкин, П.А. Кобозевлар катта рол

ўйнади. Т.Рискулов кейинчалик ўзининг адашгани, сиёсий ва ғоявий етуклиги, сиёсий кураш тажрибаси етарли бўлмаганлиги ва у йўл қўйган хатоликлар тўғрисида бундай деб ёзган эди: “1920 йилга келиб мен бир қанча сиёсий хатоликлар қилдим... Менинг хатом, асосан, ўша вақтда менда бўлган миллатчилик оғмачилигида эди... биз миллий доҳийлар бўлишни истардик, байналмиллал вазифаларни унутиб, миллий шиорларга берилиб кетдик... меҳнаткаш омманинг уйғонган онгини синфий йўлга йўналтириш ўрнига миллий муҳит тазйикида биз бу ҳаракатдан миллатчилик шиорларини амалга ошириш учун фойдаланишга ҳаракат қилдик” [2].

Турар Рискуловнинг Туркистон ўлкаси ягона ва бир бутун ғояси кейинчалик А.Икромов томонидан танқид қилиниб, унинг фикрлари келтирилган эди: “1918-1919 йилларда исломчилар ҳатто партия аъзоларига таъсир қилган эди. Мусулмон коммунистлари бюроси 3-ўлка конференциясида ўртоқ Т.Рискулов доклади хусусида мана шундай қарор чиққан эди: “Турк халқини аслида татар, қирғиз, бошқирд, ўзбек ва бошқа шундай каби исмларга бўлишга ва айрим майда республикалар тузишга интилишларини битириш ғояси ташвиқот қилинсин; РСФСР таркибига кирмаган бошқа турк халқлари совет республикаси теварагига тортиш мақсадида бирлаштирилсин; бунга эришиш мумкин бўлмаган чоғларда эса айрим турк халқларининг ўзлари турган жойларида ўзаро уюшувларига муваффақ бўлинсин”[3].

Архив ҳужжатларида келтирилган маълумотларга қараганда, 1924 йилда Туркистон АССРда 5.254.581 нафар, БССРда 2.236.437 нафар, ХССРда 640.004 нафар, учта совет республикасида жами 8.131.062 нафар аҳоли истиқомат қилган [4]. Болшевиклар саккиз миллиондан ортиқ туркий аҳолини сунъий равишда миллатларга бўлиш сиёсатини бошлагач, қатор музокаралар масалалар ўртага чиқа бошлади. Шулардан бири Хоразм совет республикаси раҳбар ходимларнинг миллий-худудий чегараланишга бўлган муносабати ҳисобланади.

1924 йил 8 майда Ўрта Осиё иқтисодий конференциясида қатнашиш учун Тошкентга келган Хоразм делегацияси аъзолари РКП(б) МҚ Ўрта Осиё бюроси раисига “Хоразмда миллий масаланинг ҳал қилиниши тўғрисида” мактуб топширадидилар. Унда Хоразмни мустақил маъмурий район сифатида ўзининг доирасида қолдириш, шунингдек, Хоразм Республикаси билан Туркистон Республикасининг Амударё вилоятини бирлаштириш таклиф қилинган эди. Аслида, бу Хоразмнинг чегараланиш ўтказилишини рад қилиши эди [5].

1924 йил 12 июнда РКП МҚ Политбюроси (сиёсий бюроси) Ўрта Осиёда миллий чегаралаш масаласини кўриб чиқади. Хоразм масаласига келганда, Хоразм туркманларини Туркманистонга бирлаштириш қарор қилинади, ўзбеклар, қирғизлар ва қорақалпоқлар масаласи аниқ бўлмаганлиги учун очиқ қолади [6].

1924 йил 12 июндаги 101-сонли телеграммага мувофиқ бир гуруҳ хоразмлик кадрлар чегаралаш масаласини Хоразмга ҳам тегишлилигига қарши чиқадилар. Улар ушбу Марказдан келган қарорга қарши ўзларининг фикрини қуйидагича асослайдилар. Биринчидан, Хоразм аҳолиси этнографик жиҳатдан аралаш бўлганлиги сабабли, иккинчидан, Хоразмдан ажратиш уларни янги марказлардан узоқлаштиради, учинчидан, чегаралаш деҳқонлар хўжаликларини тубдан, иқтисодий жиҳатдан ҳам, ҳалокатли вайрон бўлишига олиб келиши мумкин ва тўртинчидан, сув билан таъминлаш масаласини ниҳоятда қийинлаштириб қўяди [7].

1924 йил 12 июнда РКП МҚ Сиёсий бюроси мажлисида иштирок этган Қ.Отабаев ва Ўрта Осиё Бюроси аъзолари, умуман олганда, хоразмлик туркманларнинг Хоразм ўзбекларидан ажралиб, Туркманистон билан бирлашиш истаги тўғрисида фикрларини билдирдилар. Мазкур таклиф овозга қўйилади. Бунда овоз бериш жараёнида Чичерин, Риков ва Фрунзе бетараф қоладилар. Ўрта Осиёда чегаралаш акти учтага қарши кўпчилик овоз билан қабул қилинади [8].

Ўрта Осиё Бюросининг миллий-худудий чегаралашга бўлган интилишини била туриб, хоразмлик вакиллар Сиёсий бюро аъзоси Цукерманга мурожаат қиладилар. Улар мурожаатларида хоразмлик туркман ходимлар Хоразмдан ажралишни хоҳламаслигини ва бу масала бўйича хоразмлик деҳқонлар фикрини билиш лозимлигини айтадилар. Хоразмлик вакилар мурожаатига Цукерман Сиёсий бюро қарорининг туркманларнинг ажратилиши ва Туркманистон билан бирлашишига тегишли қисмининг ҳаётга татбиқ этилиши натижасида Хоразм қандай кўринишга эга бўлишини тасаввур қилолмаслигини айтади [9].

Цукерман жавобига Сиёсий бюро аъзоси Чичерин ҳам хоразмликлар нуктаи назарига қўшилишини айтади. У қисқа муддатда деҳқон аҳолисини: туркманлар, ўзбеклар ва

қирғизларни конференцияга чақиришни ва конференция чиқарган қарорини, шунингдек, ажралишга қарши хизмат қилиши мумкин бўлган жиҳатлар ва хусусиятларни кўрсатувчи иқтисодий-этнографик хариталар билан бирга Чичеринга тақдим этишни таклиф қилади [10]. Хоразмликларнинг билдирилган фиклари Марказ томонидан эътиборга олинмайди ва Хоразм коммунистик партия ҳамда ҳукумат таркибида катта ўзгариш юз беради. 1924 йилнинг 26 июнида янгиланган Хоразм коммунистик партия Хоразм учун ҳам миллий чегараланишнинг зарурлигини эътироф этади.

Хоразм Совет Социалистик Республикаси Марказий Ижроия қўмитаси раиси ловозимига тайинланган Султон Қори Жуманиёзов Хоразмни ўзбек ўлкасига қўшилишидан катта фойда кўриши ҳақида шундай фикрларни билдиради: “Хоразм ўлкаси бу кунда савдо-саноат ишларини йўлга қўйишга жуда муҳтож бўлган ўлкадир. Ҳолбуки, Хоразм ўлкаси бу кунги маданий ва иқтисодий кучлари билан уларни йўлга қўя оларли даражада эмас. Шунинг учун биз умумий ўзбек элини бирлаштириб орқада қолган Хоразм ўлкасининг савдо-саноат ишларини йўлга қўйишга муҳтожмиз... Бизга қараганда маданий жиҳатдан кўб устун бўлган Фарғона, Самарқанд ва Сирдарё ўлкаларига аралашиб, уларнинг таъсири билан маданиятдан кўтариламыз. Бирлашиш орқасида маориф ишларимиз бир йўл ва режа билан бориб илгарига кетар деб ўйлаймиз” [11].

Ўрта Осиёда миллий-худудий чегараланишнинг ўтказилиши пайтида миллий-этник низоларнинг олдини олишга бағишланган бир қатор мақолалар эълон қилинган. Жумладан ҳукумат вакилларида бири Ҳожибоев ўзининг мақоласида миллий муҳолифликка бормаслик ва этник низоларнинг олдини олишга эътибор қаратади¹. Афсуски, миллий-худудий чегараланиш арафасида миллий-этник низолар ва худуд талашлар кузатилди. Зиёлилар матбуотда бу каби жанжалларни тўхтатишга чақирдилар. “Матбуотимизда қатъиян тарафқашлик ва тор миллатчилик руҳида ёзилган нарсалар бўлмаслиги лозим. Бу тўғрида “Оқ жўл”, “Ангбакчил қозоқ” (Урунбуруғда), Туркистон, Фарғона ва Зарафшонда ҳар хил мақолаларнинг ичида аксарияти бир томонлик ва тор бир ўлчовда миллатчилик руҳида бўлдимиз, бу матбуотимизда катта нуқсон ҳисобланадир. Бундай мақолаларнинг натижасида бу матбуотимизда миллий шовинизм руҳининг кўтарилишини сезамиз ҳатто бу тўғрида газетамизнинг бир-бирлари билан сўкушмаги омма орасига миллатчилик шовинизмининг тухумини экиш эмасми? Масалан “Туркистон” билан “Оқ жўл” жанжаллари “Ангбакчил қозоқ”нинг ҳаддан ошиши Зарафшоннинг чиқиши ва Фарғонада Алиевнинг мақоласи ва бошқалар”².

Миллий зиёлилардан бири Исмоилзода худуд талашлар ҳақида матбуотда танқидий фикр билдиради: “Тошкент атрофида яшаётган курамаларни қирғиз эканлигини исбот қилиб, бош айлантириш ҳеч бир керак эмас. Бизга курамаларнинг ва бошқаларнинг хусусий ва умумий шароитларига ёхуд тил, одат ва маишатларига қараб ҳукум этиш лозимдир. Агарда биз масалага тор идеаллик нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, орий наслига мансуб бўлган русларни Эроннинг пойтахти Техронда жойлаштиришимиз керак бўлади” [12].

Коммунистик партиянинг 12-қурултойида миллий масала ҳақида гапирилиб, миллатлар ўртасидаги юзага келаётган шовинизм ва миллатчилик ҳақида тўхталиб ўтилган эди: “Эскидан қолган яна бир фаросат борки бу – миллий жиҳатдан эзилган ва зулмларни ёдидан чиқара олмаган кўб миллатлар орасидаги миллатчиликнинг қолган-қутганларидир. Маданиятда кучликрок миллат кучсиз миллатга ўз миллатчилигини юргизишга тиришади. Масалан, гурузилар (Гуржистонда) тор миллатчилиги арманларга, асетин, оғар ва обхаз миллатларига қарши қўйилган Озарбайжон тор миллатчилик (Озарбайжонда) арманларга қарши қўйилган, ўзининг тор миллатчилик (Бухоро ва Хоразмда) туркман ва қирғизларга қарши қўйилган” дейилади³.

Шу маълумотлар асосида қирғизлар (қозоқлар) “Оқ жул” газетасининг 452-сонида қуйидаги фикрларни илгари сурадилар: “Русия коммунистлари фирқасининг 12-қурултойи миллий масала тўғрисида чиқарилган қарорида: Ўрта Осиё туб жой халқи орасида қозоқ,

¹ Ўрта Осиёнинг миллий жумҳуриятларга бўлиш тўғрисида мусохабалар. Марказ ижрокўм раёсатининг аъзоси Ҳожибоев // Туркистон. 1924 йил 2 август, 319-сон.

² Башир З. Хоразм жумҳурияти марказий ижрокўмининг раиси Султон Қори Жуманиёзов // Туркистон, 1924 йил 18 август, 331-сон.

³ Осиёлик. Ўрта Осиёни миллий жумҳуриятларга бўлиш // Туркистон, 1924 йил 7 август, 324-сон.

киргиз ҳамда туркманларга ўзбек миллатининг зўрлиги бор деб очик айтиб, рус мустамлакачилиги билан курашганда “бу ичидагилар” билан курашиш фирқанинг вазифаси деган эди”¹. Матбуотда бу каби маълумотларнинг тарқалиши миллий низони кескинлаштириш ҳамда Ўрта Осиёни яғаноа маконга бирлаштириш ўрнига уни ғоявий парчалашдан иборат бўлди. Ўзбек зиёлилари мазкур фикрлар асоссиз эканлигини таъкидлаб шундай келтирадилар: “Ўзбек миллатининг қозоқларга зўрлиги бор. Кун ботиш мустамлакачилари билан курашганда кун чиқиш мустамлакачилари билан ҳам курашиш партиянинг вазифаси” дейилган сўз ва қарор йўқ. Бундай қарор ҳеч вақт шўролар ҳукуматида ва фирқа қурултойида бўлмаган, бўлмайдир” [13].

Ўрта Осиёдаги қозоқлар масаласи ҳам миллий-худудий чегараланиш ўтказилишидаги энг қийин масала сифатида қаралган. Бу масала бўйича болшевик Корклин ўзининг тезиси билан чиқиб қозоқ районларини Қозоғистон жумҳуриятига қўшиш лозимлигини илгари суради. Унинг кўрсатишича, шу пайтда Ўрта Осиёнинг 750 минг мураббаъ² қақирм худудида 2 миллионга яқин қозоқ истиқомат қилиши келтирилган [14]. Хуллас, миллий-худудий чегараланиш бўйича комиссияси ва Ўрта Осиё бюроси қарори билан собиқ Туркистон АССРнинг 23 фоиз майдони ва 1.468.724 нафар аҳолиси Қозоғистон АССР таркибига киритилди [15].

Бундан ташқари, ЎзССР Инқилобий кўмитаси Тожикистон Автоном Совет Социалистик Республикасининг Ўзбекистон ССР таркибига киришини тасдиқлади. Ушбу масала 1927 йил қабул қилинган Тожикистон АССР Конституциясининг 1-моддасида ҳам ўзининг қонуний тасдиғини топган [16]. Архив ҳужжатларида келтирилган маълумотларга кўра Тожикистон АССРнинг шу пайтдаги майдони 135.620 кв.кмни ва аҳолисининг умумий сони 739.503 нафарни [17] ташкил этган.

Хулоса қилиб айтганда, болшевиклар томонидан ўтказилган Ўрта Осиёни миллий-худудий чегараланишда маҳаллий аҳолининг талаб ва истаклари эътиборга олинмади. Янгидан ташкил қилинган республика ва вилоятлар иқтисодий-ижтимоий томонидан бири-бирига боғланган эди. Миллий кадрлар Ўрта Осиё республикалари федерациясини ташкил қилиш ғоясини илгари сурганларида бу Марказ томондан турли важлар билан инкор этилди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Назаров М. Ўзбекистонда совет ҳокимиятини мустақамлаш учун кураш (1919-1920 йиллар). – Тошкент: “Қизил Ўзбекистон”, “Правда Востока” ва “Ўзбекистони Сурх” бирлашган нашриёти, 1954. – Б. 47-48.
2. Ҳидоятлов Г.А. Тарих ва мафкуравий кураш. – Тошкент: Ўқитувчи, 1988. – Б.177.
3. Акмал Иқромов. Ўзбек халқи совет ҳукуматининг ҳимоя ва ёрдами остида миллат бўлиб танилди ва ўсди // Қизил Ўзбекистон. 1937 йил 13 февраль. 36-сон.
4. ЎзР МА, Р-2027-фонд, 1-рўйхат, 111-иш, 5-варақ.
5. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. – Тошкент: Шарқ, 2000. – Б. 291.
6. ЎзР ПАА, 361-фонд, 1-рўйхат, 570-иш, 1-варақ.
7. ЎзР ПАА, 361-фонд, 1-рўйхат, 570-иш, 3-4-варақлар.
8. ЎзР ПАА, 361-фонд, 1-рўйхат, 570-иш, 9-варақ.
9. ЎзР ПАА, 361-фонд, 1-рўйхат, 570-иш, 10-11-варақлар.
10. ЎзР ПАА, 361-фонд, 1-рўйхат, 570-иш, 13-14-варақлар.
11. Башир З. Хоразм жумҳурияти марказий ижроқўмининг раиси Султон Қори Жуманиёзов // Туркистон, 1924 йил 18 август, 331-сон.
12. Ўрта Осиёнинг миллий жумҳуриятларга бўлиш тўғрисида мусохабалар. Марказ ижроқўм раёсатининг аъзоси Ҳожибоев // Туркистон. 1924 йил 2 август, 319-сон.
13. Ўрта Осиёнинг миллий жумҳуриятларга бўлиш тўғрисида мусохабалар. Марказ ижроқўм раёсатининг аъзоси Ҳожибоев // Туркистон, 1924 йил 2 август, 319-сон.
14. Осиёлик. Ўрта Осиёни миллий жумҳуриятларга бўлиш // Туркистон. 1924 йил 7 август. 324-сон.
15. ЎзР МА, Р-2027-фонд, 1-рўйхат, 111-иш, 5-варақ.
16. ЎзР МА, Р-86-фонд, 1-рўйхат, 3211-иш, 1-23-варақлар.
17. ЎзР МА, Р-2027-фонд, 1-рўйхат, 111-иш, 5-варақ.

Нашрга проф. О.Бўриев тавсия этган

¹ Осиёлик. Ўрта Осиёни миллий жумҳуриятларга бўлиш // Туркистон, 1924 йил 7 август, 324-сон.

² Мураббаъ – араб тилидан олинган бўлиб, тўрт томон деган маънони англатади. Ушбу ўринда метрологик жиҳатдан квадрат маъносини ифодалайди.